аўызеки рәўиште массалық характер ийелеген ҳәм бир қатар қайта ислеўлер барысында айырым өзгерислерди бастан кеширген» [4:44] деп тастыйықлаўлар пүткиллей қәте ҳәм бул фольклористиканы, соның ишинде эпосты түсинетуғын адамның гәпи емес. Неге дегенде, қарақалпақ халық дәстаны «Шәрияр»дың генезисине, эволюциясына бул тезисти зорлап ендириўдиң зәрүрлиги жоқ. Себеби, жоқарыдағы автордың өзи атап өткениндей, «дәстан XVIII әсирде Хорезмде жазба нусқада пайда болмастан көп бурын-ақ қарақалпақ дәстаншылары тәрепинен аўызеки тәризде пайда болған».

Ҳақыйқатында да, дәстан XVIII әсирден көп бурын-ақ (ерте дәўирлерден баслап-ақ қарақалпақлардың үлкен бир топары (Едил-Жайық, Түркстан, Сырдәрья топары) Хорезмге алып кирген аўызеки үлкен эпос формасынан контиминацияға ушырап, усы негизде дәстаннан дәстан дөреў қубылысы тийкарында кишигирим китабый қысса вариантларының келип шығыўына тийкар таярлап берген. Аўызеки дәстанлардың усылайынша хатқа түсирилиўи ямаса китабый қысса варианталарға айланыўы түркий халықлар фольклорында әййемнен берли өмир сүрип киятырған миллий эпикалық қубылыс. Мысалы, Орта әсирлердеги (IX-X әсирлердеги) Сыр бойы түркий халықлары арасында, анығырағы қыпшақ-печенег бирлеспеси аўқамындағы түркий халықлар арасында Қорқыт атаның аўызеки дөреп, аўызеки жыр етилген Қорқыт ата жырлары соң XV әсирде оғуз түркий қәўимлери арасында «Қорқыт ата китабы» формасында хатқа түсирилгенлиги эпостаныўшылардың ҳәммесине аян ҳақыйқатлық. Оның үстине, қыссаханлық тек Хорезм мәдениятына ғана тән қубылыс болып қоймастан, көпшилик түркий халықларға, соның ишинде қарақалпақларға да тән болған әййемнен киятырған дөретиўшилик көркем сөз ҳәм саз өнериниң бир түри есапланады. Көп ғана жыраў ҳәм информаторлардың берген мағлыўматларына қарағанда қарақалпақлардың өзлеринде де «Шәрияр» дәстанның жазба нусқалары болған. Бундай китабый нусқалар көпшилик түркий халықларға, соның ишинде қарақалпақларға Қазан, Уфа, Омбы баспаларынан басылып шыққан китаплар ҳалында тараған деген де пикирлер бар (Вестник АН КазССР, Алмата, №6, 30-35-бетлер).

Ең баслысы, қарақалпақ халық дәстаны «Шәрияр», дәстанның Хорезм қысса қол жазба варианталарындай XVIII әсирлердиң ақырында пайда болып, илимий жәмийетшиликке тек ХХ әсирдиң 80-жылларында, онда да айырым жеке бир илимпаздың үй архивлери арқалы белгили болған емес. Қарақалпақ халық дәстаны «Шәрияр» буннан еки жүз - үш жүз жыл бурын-ақ, арырақ кетсек, әййемги руўхлыққәўимлик дәўирлерден баслап-ақ халық арасында кеңнен таралған, усы дәўирлер ишинде халық жыраўлары тәрепинен үзилиске түспей шынжырма-шынжыр тынбай дәстүрий жырланып киятырған, бүгинги күни де жас жыраўларымыздың сүйикли репертуарларына айланған халқымыздың бийбаҳа ҳасыл мийрасы болып табылады. Бул пикирдиң дурыслығын «Шәрияр» дәстанының қарақалпақлар арасында Нурабылла, Өтенияз, Қуламет, Есемурат, Қыяс, Әбдирейим, Жумабай жыраў вариантлары сыяқлы онлаған вариантының бүгинги күнге шекем өмир сүрип келиўиниң өзи-ақ дәлийллейди. Енди сол жыраўлардың бири Өтенияз жыраў мысалында жыраўлар генеаологиясына итибар беретуғын болсақ, Өтенияз жыраўдың жыраўшылық мектебиниң сағасы Өтенияз - Бекимбет–Ерполат-Сайпулла-Дүйсенбай-Айтуўар-Сыбан-Түменбай-Шаңкут формасында XVIII әсирдеги Жийен-жыраў мектебине барып ушласатуғынын, ал Жийенжыраў мектеби болса Мүйтен (XVII), Доспанбет (XVI) Асан қайғы (XV), Соппаслы Сыпыра-жыраў (XIV) формасында IX-X әсирлердеги Қорқыт ата мектебине барып уласатуғынлығын фольклорымыз ҳәм әдебият тарийхынан жақсы билемиз. Бул демек, қарақалпақ халық дәстаны «Шәрияр»дың қарақалпақ миллий фольклорлық ареал аймағында пайда болыўының сағалары жүдә ерте дәўирлерге барып тақалатуғынлығы тәбийғый ҳәм гүман туўдырыўдың хеш зәрүрлиги жоқ деген сөз. Оның үстине, шынжырмашынжыр киятырған бул жыраўшылық мектеби ҳәм өнери ҳәзирги күнде де тек қарақалпақ халқы арасында да сақланып қалды ҳәм жанлы-тәбийғый ҳалында нызамлы даўам етип киятыр. Сол ушын да қарақалпақ дәстантаныўының үлкен маманы, көрнекли фольклорист Қ.Мақсетов өткен әсирдиң 60-жылларында дәстанлар поэтикасына арналған фундаменталь мийнетинде усы жыраўшылық мектеп ҳәм дәстүрдиң тарийхый даңқлы жолына айрықша итибар берип: «Соның менен Бухарадағы қарақалпақ жыраўлары өзбек дәстаншылығына әдеўир тәсир еткен болыў керек» (Қарақалпақ қаҳарманлық дәстанларының поэтикасы. - Ташкент: «Фан», 1965, 55-бет) деген пикирди мәртлерше ортаға таслаған еди.

Мәселеге усы көзқарастан жантасатуғын болсақ, ерте дәўирлерде дөреп, соңғы еки-үш әсир даўамында мифликертеклик формадағы үлкен эпос дәрежесине өсип-өткен қарақалпақ халық дәстаны «Шәрияр» XVIII әсирлерге келип Хорезм, Гөне Үргениш әтирапына мәкан басқан өзбек халқы ҳәм оның менен бирге бурыннан отырықшы өмир сүрип киятырған қарақалпақ халқының үлкен бир топары -төменги қарақалпақлар арасында да дәстаннан дәстан дөреў контиминация қубылысы тийкарында дәстанның жаңа жазба китабый қысса формасы ҳәм вариантларының келип шығыўына мәлим дәрежеде идеялық-эстетикалық түртки хызметин атқарды деп жуўмақ жасасақ, асыра силтеген болмайды ҳәм бул илимий ҳүждан тийкарында халық мүлкин қалысана баҳалаў өлшемине де қайшы келмейди. Ал, усы аргумэссе текстинде екинши машқала деп келтирилген «Шәрияр» дәстанының жанрлық, формалық өзгешеликлерин ҳәр қыйлы баҳалаўдағы алағатлықларды сапластырып, бул машқала бойынша белгили бир тоқтам жасап, жуўмақ пикирге келиўөз алдына изертлеўди талап ететуғын ҳәзирги қарақалпақ фольклортаныўының әхмийетли мәселелериниң бири болып табылады.

**Әдебиятлар**


1. Айымбетов Қ. Халық даналығы. -Нөкис: «Қарақалпақстан», 1988, 103-105-б.
2. Мақсетов Қ. Дәстанлар. Жыраўлар. Бақсылар. -Нөкис: Қарақалпақстан», 1992, 82-б.
3. Нурмухамедов М.К. А.С.Пушкинниң ертеклери ҳәм Орта Азия халықларының фольклоры. -Нөкис: «Қарақалпақстан», 1987, 87-б.
4. Пашшиева Г.М. Халқ достонларини киёсий урганиш усуллари. Услубий қўлланма. -Нөкис: 2015, 44-б.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада «Шарёр» достонининг генезиси, жанр, шакл хусусиятлари ва миллий ўзига хослиги, аникроғи, фақат қорақалпоқ фольклоридагина учрайдиган катта эпик ижод намунаси эканлиги ҳақида сўз қилиниб, ўша масалалар бўйича айтилган фикрлар қатъий таҳлил этилади. Муаллиф мақола якунида «Шарёр» достони мисолида халқ меросларини миллий мустақиллик ғояси нуқтаи назаридан соф илмий тамойил асосида баҳолашга даъват қилади.

**РЕЗЮМЕ**

Статья посвящается изучению генезиса, жанровых особенностей и формы, национального своеобразия дастана «Шарьяр», который является эпическим произведением устного народного творчества каракалпакского народа. Приводятся субъективные мнения по данному вопросу. Автор статьи в заключении призывает на примере дастана «Шарьяр» объективно оценивать народное наследие с точки зрения идеи национальной независимости.

**SUMMARY**

The article is devoted to the study of the genesis, genre and form peculiarities, national character of the epos «Shariyar», that is an epic work of Karakalpak folklore. The subjective points of view on these issues have been discussed. In conclusion, the author of the article claims to value objectively the national heritage, taking into account the ideas of national independence on the example of the epos «Shariyar».


# ШЕЪРИЯТДАН ДРАМАТУРГИЯГА


**Г.Қурамбоева –** *филология фанлари номзоди*

*Тошкент тиббиёт педиатрия институти*



**Таянч сўзлар:** драматургия, образ, опера, конфликт, сюжет, шеър, монолог, диолог, либретто, достон, жанр, саҳна.
**Ключевые слова:** драматургия, образ, опера, конфликт, сюжет, стихотворение, монолог, диалог, либретто, поэма, жанр, сцена.
**Key words:** dramatic art, characters, opera, conflict, plot, poem, monologue, dialogue, libretto, poem, genre, stage.


Бадиий адабиёт тажрибасида шундай ижодкорлар учрайдики, сўз санъатининг бир неча жанрларида асар ярата олиш талантига эга. Қайси ижод типини танламасин, жанр имкониятларидан фойдаланиб, ўқувчига манзур асар ёза олади. Бу бир жиҳатдан муаллиф ижодининг серқирралигини,жанрларга бойлигини кўрсатса, иккинчидан, ҳаёт материалини у ёки бу жанр табиатига мослаб талқин қилиш салоҳиятидан дарак беради. Қорақалпоғистон

халқ шоири, Бердақ номидаги давлат мукофоти лауреати Гулистон Матёқубова, фикримизча,шу хилдаги кўп қиррали, ижоди ранг-баранг мавзуларга бой, бадиий маҳорат бобида ҳам етарли тажриба тўплаган қалам соҳибасидир. У шоира сифатида ўнлаб шеърий тўпламлар нашр эттирди. Бир неча поэма ва достонлар муаллифи. Адабий-бадиий публицистик мақолалар туркуми, қисса ва ҳикоялари, "Ҳаётдаги қатралар" бадиаси, "Тўкилиш" рукнида берилган бадиий-фалсафий ижод намуналарини ўзига жамлаган "Муҳаббат юрти" (2002) китоби ва бошқа тўпламларидаги насрий асарлари Г.Матёқубовани ёзувчи сифатида характерлай олади. Муаллифнинг "Шеърият сабоқлари", "Кўнгил кенгликларида", "Қайтмоқ учун кетмоқдаман" (2007) каби асарларини ўқисангиз, муаллиф-нинг насрдаги истеъдод жилоларига гувоҳ бўласиз. У драматургияда ҳам талантини синади. Саҳна учун бир неча шеърий драмалар ёзди, опера учун либретто яратди. "Меҳрли дунё" деган киноқисса ҳам унинг қаламидан чиққан.

Г.Матёқубова бу жанрларга тасодифан кириб қолган эмас. Ҳар бирининг қонуниятларини пухта ўрганган. Кўп йиллик ижодий изланишлардан сўнггина бу ижод турларига қўл урган. Жумладан, драматургия жанрига ҳам мана шундай ижодий тайёргарлик босқичидан кейин кириб келди. Бу ишда унинг шоирлик тажрибаси, биринчи навбатда, қўл келгани, шубҳасиз. "Қаторда норинг бўлса" (1997) номли тўрт пардали шеърий драмаси муаллифнинг саҳна асари яратиш йўлидаги дастлабки муваффақиятларидан бири. Асар таниқли қорақалпоқ олими,шоир ва давлат арбоби Наврўз Жапақов хотирасига бағишланган. Юрти ва халқи тарихида ўчмас из қолдирган бундай инсонлар ҳақида бадиий асар ёзиш, образларини адабиётга муҳрлаш айни муддаодир.

Мазкур драма жанр нуктаи назаридан автобиографик характерга эга. Бош қаҳрамон билан боғлиқ аксарият воқеалар реал фактларга асосланган. Асар муқаддима билан бошланади. Саҳна қуйидаги устоз монологи билан очилади:

*Юкинг ерда қолмагай,қаторда норинг бўлса,*
*Қаторинг маҳкам бўлур,чин дўст-ёринг бўлса,*
*Ҳеч кимдан кам бўлмассан,қўлингда коринг бўлса,*
*Кўксинг тоғ,бошинг осмон ҳақ мададкоринг бўлса,*
*Ҳамфикр оға-ининг,мард биродаринг бўлса,*
*Юкинг ерда қолмагай,қаторда норинг бўлса!*

Бу мисоллар асарнинг мақсади, ғояси, сюжетининг ривожланиш мантиқи, образ ҳаракатининг етакчи принцпларига йўналиш беради. Биринчи пардада шоирнинг газета билан боғлиқ фаолияти, муаллифларни қабул қилиш, мулоқотлар, турмуш ўртоғи Гулзода билан танишув воқеалари берилади. Иккинчи пардада воқеалар бироз мураккаблашади. Шоир ноҳақ туҳмат билан қамалади. Бироқ узоққа бормай ҳақиқат тикланади ва у озод бўлади. Бу пардадаги шоир, Гулзода ва журналист диалогларида образларнинг дунёқараши, руҳияти, умуман, характер хусусиятлари ўзаро мулоқотларда намоён бўлади. Ҳар бир персонаж нутқидаги индивидуаллик орқали унинг ким ва қандай шахс эканлиги билан танишасиз.Бу воқеаларнинг марказида ҳам шоир образи туради. Муҳаббатга, оилага, одамларга муносабати фонида характери очилиб боради. Учинчи парданинг сюжети иккинчи жаҳон уруши даври билан боғланади. Драмада уруш эпизоди йўқ. Бош қаҳрамоннинг ватанпарварлиги, фидоийлиги, ташкилотчилиги, раҳбарлик қобилияти фронт орқаси ҳаёти майдонида кўрсатилади. Бу даврга келиб у ҳукумат раиси лавозимига кўтарилади.Ва халқ,адабиёт ва маданият манфаати йўлида бир талай ишларни бажаради. Бу ҳолатлар асарда турли тоифа кишилар билан мулоқотларда,ўзаро тортишув ва баҳсларда, зиддиятларда, баъзан кескин тўқнашувларда кўрсатилади. Шоирнинг ҳукумат аъзоси билан айрим масалалардаги келишмовчиликлари, қарама-қаршиликлари орқали образнинг ташқи ҳаракати ва ички дунёсидаги ҳақиқат, адолат кучига ишонч ҳаққоний ёритилган.

Драманинг охирги, тўртинчи пардасидаги воқеалар руҳида драматизм кучаяди. Шоир тақдирида рўй берган ўзгаришлар, лавозимини тарк этгандан сўнг одамларнинг унга муносабати, камситишлар, иғво-интригалар, асоссиз айбловлар унга руҳий зарба бўлиб ёпирилади. Асарда образнинг бу ҳолати ички монолог шаклида берилади. Муаллиф ижод этган шеърий сатрлар, нафақат қаҳрамоннинг руҳий драмасини очишда муҳим восита, айни пайтда, чинакам шеърият намунаси ҳамдир.

*Қушлар қанотига меҳримни ёздим,*
*Кимлар менга қора чоҳларни қазди.*
*Қора ният қора пичоғин чархлар,*
*Бари бир ютолмас у қора чоҳлар…*

Муаллиф образнинг руҳиятидаги ғалаённи,ташқи ҳаракатидаги шиддатни шу тарзда очиб боради. Наврўз Жапақовнинг мураккаб ҳаёт ва меҳнат йўли замон руҳида,давр зиддиятлари билан омухталаниб, реал талқин этилгани асарнинг ютуқларидан бири.

Драма "Муқаддима" билан бошланган эди, "Хотима" билан ҳам якунланади. Саҳна устоз монологи билан очилган бўлса, шогирд монологи билан ёпилади. Бу ифода усулида рамзий маъно бор. Устозлар бошлаган хайрли ишлар шогирдлар фаолиятида давом этади. Драма финалидаги кўринишда давр руҳи, мустақиллик берган ҳаётдан шукуроналик, ёш йигит,шоирнинг шогирди монологи орқали ифодалангани асарнинг умумий пафосига жуда мос.

*Устозларнинг руҳида биз яшаймиз таъзимда,*
*Устозим орзу қилган гулдай шаҳри азимда.*
*Қаторда нормиз бугун юклар бизнинг елкада*
*Устозларнинг ҳар сўзи бошлар бизни эртага.*
*Мустақиллик йўллари равон-равон йўл бўлди,*
*Қорақалпоқ чўллари чаман-чаман гул бўлди.*
*Бердақ, Ажиниёзлар руҳи бизни қўллагай*
*Қосим, Наврўз оғалар яхшиликка йўллагай…*

Умуман, "Қаторда норинг бўлса" драмаси Қорақалпоғистоннинг яқин ўтмиш ҳаётини реал талқин этгани, халқ ҳурматини қозонган тарихий шахслар образини адабиётга олиб киргани ва бадиий мукаммал ёритгани учун ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

Г.Матёкубованинг саҳнага мўлжаллаб ёзган яна бир асари бор. Бу "Гулойим" номли опера учун ёзган либреттоси. Асар матни муаллифнинг турли йилларда чоп этилган китобларида ("Йўлларингга чиқдим", Нукус 1997, "Излаганларим", Тошкент. 2000.) эълон қилинди. Ҳатто у рус тилига ҳам кўчирилиб шоиранинг рус тилидаги "Сайланмалар"инииг иккинчи жилди (2015) дан ўрин олди. Либреттони Г.Матёкубованинг саҳна асари яратиш йўлидаги жиддий ютуғи деб ишонч билан айта оламиз. "Қирқ қиз" эпоси қорақалпоқ халқининг миллий достонларидан бири, жаҳонга машҳур асар. Бундай номдор асарга қўл уриш, у ҳақда янги замон талабларига мос саҳна асари яратиш масъулиятини камдан – кам ижодкор ўз зиммасига олади. Г.Матёкубованинг шоиралик таланти, драма ёзишда озми-кўпми тўплаган тажрибаси, муҳими, достонга меҳри "Қирқ қиз" асосида опера учун либретто яратишга ундаган бўлса ажабмас. Ва муаллиф, фикримизча, қорақалпоқ миллий опера санъати ривожига ҳисса бўлиб қўшилгудек асар матнини ярата олди.

Муаллифнинг дастлабки ютуғи шундаки, эпос сюжетидан операбоб материални, воқеалар, образларни топа олган. Образларни ҳаракатга келтирадиган саҳнабоб зиддиятлар, қаҳрамонлар психологиясини очишга хизмат қиладиган чигал вазиятлар ўринли сараланган. Бош қаҳрамон ҳаракат қиладиган муҳит, майдон ҳам яхши танланган. Саҳна муқаддима билан очилади. Томошабинни жалб қиладиган жировнинг узоқ-узоқлардан таралаётган куйи ва овози, ўтов ичидан бирин-кетин чиқиб келган Гулойимнинг сарвқомат, сулув қизларининг қувноқ кайфиятдаги ҳаракатлари шеърий сатрларда жуда жозибали акс этган. Бу романтик лавҳадан кейин парда очилади. Биринчи кўринишда Гулойимнинг отаси Оллаёр билан диалогида қизнинг муҳабатга муносабати, отанинг қизга оқ фотиҳа бериши, уни Суюн чўпонга узатиб тўйини кўриш орзусида экани ҳақидаги масала ўртага қўйилади. Савол-жавоб гоҳ ялиниш оҳангида, баъзан жиддий норозилик руҳида кечгани, кўринишнинг драматизмини бироз кучайтирган. Мана, ўша диалогдан кичкина бир лавҳа:

*Чин ошиғинг Суюнжонни биларсан,*
*Турмуш қурсанг бир ўйнаб куларсан,*
*Мададкоринг бўлар даврон сурарсан,*
*Бахтинг кўрай сарсон айлама!*

Гулойим отасининг бу таклифини рад этади.

*Қиё чўлда гул лолалар термасман,*
*Ўлдирсанг ҳам бу овсарга тегмасман,*
*Керак бўлса асраб олиб ўғил қил,*
*Қирқ қизимни олиб кетдим келмасман!*

Асарнинг бу кўриниши Гулойимни нафақат ҳаётда мард, жасур, қатъиятли қиз тимсолида талқин этишга, балки муҳаббатда ҳам мустақил, қалби буюрганини қиладиган юксак ахлоқли шахс қиёфасида гавдалантиради. Суюн обра-

зи ҳам гарчи эпизодик характерда бўлса-да, ҳаракатлари, нутқи, Гулойим билан диалогида шахсий хислатлари яхши очилган.

Кейинги пардада образлараро тўқнашув кескинлашади. Драматик коллизия яратишга кўпроқ эътибор берилади. Нодиршоҳ, унинг мулозими Қулимбек ва ҳийлагар - айғоқчи Мастон кампир томонидан Арслоннинг синглиси Олтинойнинг зўрлаб хон саройига келтирилиши билан вазият мураккаблашади, зиддият кучаяди. Мастон кампирнинг иғвоси билан Нодиршоҳ тузоғига илинган Олтинойнинг руҳий драмаси, хон билан юзма-юз тўқнашувлари томошабин учун анча ҳаяжонли чиққан. Қалмоқлар хони Суртайшо лашкарларининг Гулойим қизлари билан жангда енгилиши, душманнинг қирқ минг аскарини ер тишлатган, юртини озод этган қизларнинг мардлиги куйланган саҳналар ўқувчида яхши таассурот қолдиради.

Асарнинг охирги кўринишларида Хоразмлик баҳодир йигит Арслон майдонга кириб келади. Унинг жанг майдонида Гулойим ва унинг қизлари билан учрашуви, мулоқотлари фонида муҳим бир ғоя кўтарилади. Яъни дўст бошига оғир кунлар тушганида елкадош бўлиб, қўллаб-қуватлаш инсоний бурч эканлиги ҳақидаги фикр, душманни мағлуб этишда Гулойимга ёрдам қўлини чўзган Арслоннинг ҳаракатлари мисолида ғоя очилади. Душмандан қасос олиш учун қилич яланғочлаган Гулойим Арслонга қарата дейди:

*Ғанимга бу умр ғамхона бўлсин,*
*Қадами юртимдан бегона бўлсин,*
*Куни битиб умри вайрона бўлсин,*
*Туркистон деб от солайлик Арслон!*

Туркистон ўлкасининг озод ва ободлиги учун халқларимиз қадимда ҳам бирга курашган, бири учун иккинчиси кўксини қалқон қилган. Асарда бу тарихий ҳақиқат илдизи бир, тақдири туташ турли миллат вакиллари образида реал кўрсатилган. Ушбу ибратли ғоянинг тарбиявий аҳамияти бугун ҳам муҳим.

Либреттонинг сўнгги пардаси кўтаринки, романтик пафосда. Арслон билан Гулойимнинг тўйи манзараси. Гулойим тушида бир "шохсувор йигит" -Арслонни кўриб севиб қолади. Арслон ҳам худди шундай ҳолатни бошдан кечиради. Гулойимга ошиқ. Мана, энди тушларида бир-бирларини севиб қолишган ошиқ-маъшуқлар кураш майдонида учрашади. Синов кўприкларидан ўтиб, тўй қилмоқда. Бу эпизод ўзбек ва қорақалпоқ колоритига хос миллий жилолар (Хоразм халқ ашулалари, қорақалпоқ жировлари, хор ижро этган куй-қўшиқлар в.ҳ.) саҳнага алоҳида эстетик завқ, миллий руҳ бағишлайди. Бу эса муаллифнинг саҳнадаги вазиятга, ҳаракатга мос қўшиқлар матнини ижод этганидан, саҳна санъатини нозик ҳис қилиб, томошабин дидига мос кўринишлар ярата олганидан далолат беради. Асар театр саҳнасига кўчирилгудек бўлса, бу байналмилал кўриниш, наинки, томошабинларнинг кайфиятини кўтаради, шу билан бирга, қорақалпоқ ва ўзбек халқларининг куй-қўшиқлар ҳамоҳанг, бир-бирларини тўлдириб, бойитиб борадиган ўлмас санъат эканлиги ҳақидаги тасаввурингизни янада мустахкамлайди. Гарчи асарнинг умумий сюжети афсона, ривоятларга қурилган бўлса-да, Гулойим ва Арслон тимсолида, характер хусусиятларида, ҳаракатларида замонга оҳангдошлик пафосини англаймиз, қалбдан ҳис қиламиз. Асарнинг шу хусусиятининг ўзиёқ, уни бугунги саҳна санъатимиз репертуаридан жой эгаллашга ҳақли, деб хулоса чиқарсак, хато бўлмас. Дарвоқе, ҳозирда қорақалпоқ миллий опера санъати муваффақиятли ривожланиб бораяпти. Опера учун либретто ёзадиган муаллифлар, унга мусиқа басталайдиган композиторлар, саҳналаштирадиган талантли режиссёрлар етарли. Уларнинг ижодий меҳнатлари туфайли ҳозирга қадар "Ажиниёз", "Тўмарис" опералари саҳналаштирилиб мухлисларга намойиш этилди. Ҳатто "Қирқ қиз" балети яратилиб, томошабинларга кўрсатилди. Истардикки, Гулистон Матёқубованинг "Гулойим" операси учун ёзган либреттоси ҳам китоб саҳифаларида қолиб кетмасдан, саҳнага олиб чиқилса, қорақалпоқ достончилигининг ўлмас намунаси "Қирқ қиз"нинг шон-шуҳрати янада ошган, қорақалпоқ опера санъати яна бир янги асар билан бойиган, эпос мухлисларининг орзулари ҳам ушалган бўларди.

**Адабиётлар**


1. Матёқубова Г. Йўлларингга чиқдим. -Нукус: "Қорақалпоғистон", 1997.
2. Матёқубова Г. Излаганларим. -Тошкент: "Ёзувчи", 2000.
3. Матёқубова Г. Ота уйим. -Тошкент: "Ўзбекистон", 2014.
4. Матёқубова Г. Қайтмоқ учун кетмоқдаман. -Нукус: "Қорақалпоғистон", 2007.
5. Матёқубова Г. Муҳаббат юрти. -Тошкент: "Тиббиёт", 2002.



**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада Г.Матёқубованинг драматургия жанридаги икки асари – "Қаторда норинг бўлса" шеърий драмаси ва "Гулойим" операси учун ёзган либреттоси ҳақида сўз юритилади. Асарларнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари, образлар туркуми таҳлил қилинади.

**РЕЗЮМЕ**

Статья посвящается изучению драматических произведений Г.Матякубовой – драмы в поэзии "Қаторда норинг бўлса" (Когда рядом есть опора) и либретто к опере "Гуляим". Анализируется целый ряд образов и идейно – художественные особенности драм.

**SUMMARY**

The article is devoted to the study of learning dramatic works by G.Matyakubova –the drama in the poetry " When you have a person rely on" and the libretto for the opera "Gulayim". The author of the article analyzes a number of characters and ideological-artistic features of the dramas.


## ҚАРАҚАЛПАҚ АЙМАҒЫ ҚАЗАҚ АҚЫН-ЖЫРАЎЛАР МИЙРАСЫНЫҢ ПАЙДА БОЛЫЎ ХӘМ ҚӘЛИПЛЕСИЎИНДЕ ҚАРАҚАЛПАҚ ЭТНО-ФОЛЬКЛОРЛЫҚ АРЕАЛЫ ХӘМ ӘДЕБИЙ ОРТАЛЫҒЫНЫҢ ТУТҚАН ОРНЫ


**Т.Төрткулбаева –** *өз бетинше излениўши*
**К.А.Алламбергенов –** *филология илимлериниң докторы, профессор*
*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*



**Таянч сўзлар:** Қорақалпоқ ҳудуди, қозоқ оқин-жировлар мероси, устоз-шогирдлик дастур, анъана ва мерослилик, миллий этно-фольклор, адабий муҳит, таъсир ва ўзаро адабий-фольклор алоқалари, қорақалпоқ ҳудуди қорақалпоқ-қозоқ жиров-шоирлар меросида жанрлар, шакллар ва ижрочилик санъати типологияси.

**Ключевые слова:** регион Каракалпакстана, наследие казахских поэтов-сказителей, традиция и приемственность, национальная этнофольклорная, литературная среда, влияние и литературно-фольклорная взаимосвязь, жанры, формы в наследии казахских жиров-акынов на территории Каракалпакстана, типология творческой и исполнительской деятельности.

**Key words:** region of Karakalpakstan, heritage of Kazakh poets and bards, traditions and tutorship, national ethno-folklore literary environment, influence and literary-folklore relationship, jenres, forms in the heritage of Kazakh jiraus-akins on the territory of Karakalpakstan typology of creative and interpretative activities.


Қазақ-қарақалпақ халықларының ертеден киятырған тарийхый-генетикалық, тарийхый-мәдений дослық-туўысқанлық қарым-қатнаслары менен қарақалпақ этнофольклорлық-әдебий орталығын қарақалпақ аймағы қазақ фольклоры менен әдебиятының пайда болыўы хәм қәлиплесиўинде идеялық хәм эстетикалық дәрек сыпатында айрықша хызмет атқарады.

Бул дәреклердиң миллет, халықаралық әдебий-фольклорлық байланыслардың келип шығыўында да әхмийети оғада уллы. Себеби, хәр қандай әдебият түри болсын бул дәреклерсиз пайда болыўы, раўажланыў жолына түсиўи мүмкин емес. Оның себеби фольклордың да, әдебияттың да раўажланыўы ушын, биринშиден, қолайлы тарийхый, руўхый-эстетикалық мәдений шараят жаратылған болыўы керек болғанындай, әдебий-фольклорлық байланыслар да үзилмей киятырған арналық жол болыўы керек.

Усы көзқарастан баха беретуғын болсақ, қарақалпақ аймағы қазақ фольклоры менен әдебиятының жаңа миллий аймақлық көринисте пайда болыўы ушын XIX әсирдиң биринши ярымындағы қарақалпақ аймағында бундай шараятлар әлле қашан толық писип жетилискен еди. Себеби, бул дәўирлерде қарақалпақ халқының Едил-Жайық, Бухара, Түркистан, Сыр бойларынан келген топары өзлериниң ата-бабаларының әййемги мәканы - Әмиўдәрьяның төменги қуярлығы менен Арал теңизи әтирапында қалған бурыннан отырықшы туўысқанларына араласып, оның үстине, Жаңадәрья қарақалпақлары да бул жерге көширип әкелинип,